

## Тариқат силсиласи



21:09 / 10.11.2018 6117

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, ҳар бир тариқатнинг ўз шайхидан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга етиб борадиган силсиласи бор. Мазкур силсилага кирувчи шайхлар ушбу тариқат асосларини Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан нақл қилишда хизмат қилганлар. Бизда асосан нақшбандийлик тарқалгани учун ушбу тариқат силсиласини батафсилроқ ўрганиб чиқамиз.

### **1. Ҳазрати Муҳаммад мустафо соллalloҳу алайҳи васаллам**

Одатда тасаввуф китобларида силсила зикр қилинганда, биринчи бўлиб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг муборак исмлари ва у зот алайҳиссаломнинг шамоиллари ва ахлоқи олиялари зикр этилади. Биз бу маълумотлар бошқа алоҳида китобларда борлиги эътиборидан, ҳар бир тариқат каби Нақшбандия тариқати ҳам Набий соллalloҳу алайҳи

васалламга бориб тақалишини яна бир бор таъкидлаш билан кифояланамиз.

## **2. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху**

Милодий 572 санада туғилганлар. Мадинада милодий 635 санада вафот этганлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху силсила омонатини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан олганлар.

## **3. Салмон Форсий розияллоху анху**

Эронда, Исфаҳонда туғилганлар. Ҳижрий 35 санада Эроннинг Мадонин шаҳрида вафот этганлар.

У киши силсила омонатини Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхудан олганлар.

## **4. Қосим ибн Муҳаммад розияллоху анху**

У киши Мадинаи Мунавварада ҳижрий 30 сана – милодий 650 санада таваллуд топганлар. Ҳижрий 102 сана – милодий 720 санада Қудайдда вафот этганлар.

Қосим ибн Муҳаммад розияллоху анху силсила омонатини Салмон Форсий розияллоху анхудан олганлар.

## **5. Жаъфар Содик розияллоху анху**

Жаъфар Содик розияллоху анху Мадинаи Мунавварада ҳижрий 83 санада таваллуд топганлар ва ҳижрий 148 санада ўша ернинг ўзида вафот этганлар.

Жаъфар Содик розияллоху анху силсила омонатини она тараф боболари ҳазрати Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхудан олганлар.

## **6. Боязид Бистомий қуддиса сирруху**

Бу зотнинг туғилган йиллари номаълум. Милодий 875 санада Бистом шаҳрида вафот этганлар.

Боязид Бистомий қуддиса сирруху силсилани Жаъфар Содик раҳматуллоҳи алайҳидан маънавий йўл билан олганлар.

## **7. Абул Ҳасан Ҳараконий қуддиса сирруху**

Бу зот Эроннинг Ҳаракон деган жойида ҳижрий 352 сана – милодий 963 санада таваллуд топдилар ва ўша ерда ҳижрий 425 сана – милодий 1034 санада вафот этдилар.

Абул Ҳасан Ҳараконий қуддиса сирруху силсила омонатини Боязид Бистомий қуддиса сиррухудан маънавий йўл билан олганлар.

## **8. Абу Али Фармадий қуддиса сирруху**

Бу зот ҳижрий 407 сана – милодий 1016 санада Фармадда туғилиб, ҳижрий 477 сана – милодий 1084 санада Тусда вафот этганлар.

Абу Али Фармадий қуддиса сирруху силсила омонатини Абул Ҳасан Ҳараконий ҳазратларидан олганлар.

## **9. Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруху**

Бу зот ҳижрий 440 сана – милодий 1048 санада Ҳамадон шаҳрида туғилиб, ҳижрий 535 сана – милодий 1141 санада Ҳирот ёки Марвда вафот топганлар.

Юсуф Ҳамадоний раҳматуллоҳи алайҳи силсила омонатини Абу Али Фармадий раҳматуллоҳи алайҳидан олганлар.

## **10. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сирруху**

Бу зот ҳижрий 515 сана – милодий 1121 санада Бухорои шарифнинг Ғиждувонида туғилганлар ва ҳижрий 595 сана – милодий 1199 санада ўша ерда вафот этганлар.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сирруху силсила омонатини ҳазрати Юсуф Ҳамадоний раҳматуллоҳи алайҳидан олганлар.

## **11. Хожа Ориф Ревгарий қуддиса сирруху**

Бу зот ҳижрий 560 сана – милодий 1165 санада Ревгарда таваллуд топганлар ва ҳижрий 660 сана – милодий 1212 санада ўша ерда вафот этганлар.

У киши Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сиррухунинг вафотларидан сўнг бу йўлнинг давомчиси бўлдилар.

## **12. Хожа Маҳмуд Фағнавий қуддиса сирруху**

Бу зот Бухорои шарифдан уч фарсах узоқликда жойлашган Фағна қишлоғида туғилганлар. У кишининг таваллуд топган саналари маълум эмас. Хожа Маҳмуд Фағнавий қуддиса сирруху ҳижрий 717 сана – милодий 1317 санада ўзлари туғилган юртда вафот этганлар.

У киши силсила омонатини Хожа Ориф Ревгарий қуддиса сиррухудан олганлар.

## **13. Хожа Али Ромитаний қуддиса сирруху**

Бу зот Ромитанда ҳижрий 591 сана – милодий 1194 санада туғилганлар ва ҳижрий 721 сана – милодий 1321 санада вафот топганлар.

Хожа Али Ромитаний ҳазратлари силсила омонатини Хожа Маҳмуд Фағнавий ҳазратларидан олганлар.

## **14. Муҳаммад Бобо Саммосий қуддиса сирруху**

Бу зотнинг Ромитаннинг Саммос қишлоғида туғилганлари маълум, лекин қайси йили туғилганлари номаълум. Ҳижрий 755 сана – милодий 1354 санада Саммосда вафот этганлар.

Ҳазрати Муҳаммад Бобо Саммосий раҳматуллоҳи алайҳи силсила омонатини Хожаи Азизон Али Ромитаний ҳазратларидан олганлар.

## **15. Саййид Амир Кулол қуддиса сирруху**

Бу зот Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида таваллуд топганлари маълум ва машҳур бўлса ҳам, таваллуд йиллари номаълумдир. Ҳижрий 772 сана – милодий 1370 санада ўзлари туғилиб ўсган Сухорда вафот этганлар.

Ҳазрати Саййид Амир Кулол раҳматуллоҳи алайҳи силсила омонатини Хожа Муҳаммад Бобо Саммосий ҳазратларидан олганлар.

*(давоми бор)*

**“Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китобидан**